

АМИР ТЕМУРНИНГ СУРХОН ВОҲАСИДА СИЁСІЙ ҲОКИМИЯТГА ЧИҚИШИ ВА СОҲИБУЛҚИРОН БУЮК МАВҚЕГА ЭГА БЎЛИШИ

Турсунов Сайпулло Нарзуллаевич

*Термиз давлат университети Жаҳон тарихи
кафедраси профессори, тарих фанлари доктори
e-mail: tursunovsafullo12@mail.ru
<https://orcid.org/0009-0005-2553-6164>
UDK: 94(575.1)*

Халқимиз мард ва жасур ҳарбийлармиз тимсолида Ватани ҳимоя қилишдек энг улуғ ишни шараф билан адо этиб, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобир Мирзо сингари буюк аجدодларимизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган она юртимизнинг чинакам қалқонларини кўради.

Шавкат Мирзиёев.

“Дунёвий-диний илм аҳлига алоҳида эътибор бериб: “Еттинчиси саййидлар “Термизий саййидлар мисолида), уламои-машойих, оқилу-донолар, муҳаддислар, хабарчилар (тарихчилар)ни танлаган эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига қўйдим”. Саккизинчи тоифа-ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандисларни, улар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим.

Амир Темурнинг “Темур тузуклари” қайд этилган.

Сурхон воҳаси Амир Темурнинг сиёсий ҳокимиятга чиқишига ва улуғ Соҳибқирон номи билан давлатни бошқаришда, иқтисодий ва маданий жиҳатдан катта ислохотлар ўтказишга муҳим макон ҳисобланди.

Мирзо Улуғбек (1394-1449 тахтга ўтирган йили 1409) ўзининг “Тўрт улус тарихи” китобида Амир Темурни: “Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрагон ҳазратлари” деб ҳурматларини жойига қўйиб тилга олган.

Биринчидан: Амир Темурнинг сиёсий ҳокимиятга чиқишида Сурхон воҳасининг аҳамияти алоҳида бўлиб, Сурхон воҳасининг ривожига Амир Темур шахсининг алоҳида ўрни бор. Кейинги тарихий изланишлар шу нарсани аниқ таъкидламоқдаки, Амир Темурнинг давлат бошқарув фаолиятида Сурхон воҳасининг ўзига хос ўрни бўлиб, унинг жанубий мамлакатлар билан олиб борган жамики ҳаракати Термиз билан боғлиқ эди. Айниқса, Темур билан амир Хусайннинг Арсифда турганларида уларнинг ишончли кишиси Томуқанинг Термиздаги савдо-

сотик ишлари билан танишуви, Темур қопикқа етганда мўғул жетеларининг Мовароуннаҳрни талаб чиқиб кетганлиги тўғрисидаги маълумотни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бу воқеадан Термиз Темур қопик катта аҳамиятга эга бўлган ҳарбий стратегик марказ бўлганини, Амир Темур ўз армиясига янги куч қўшиб, унинг иқтисодий таъминотини Термизда мустаҳкамлаб олганини билишимиз мумкин. Тарихчи олим Б.Аҳмедов ўзининг “Амир Темур” тарихий романида Сурхон воҳасидаги йирик иқтисодий марказ Денов ва Термизни тилга олиб ўтиб, қуйидаги манбани келтириб ўтади: “Маълум бўлишича, мўғуллар билан ёвлашиб, Самарқанд тоғлари ва қоратоғда яшириниб юрган Чигатой беклари: Сулаймон Барлос, Амит Мусо, Жоку Барлос, Жалолиддин Барлос ва Ҳиндука Барлослар Термизга келиб тушибдилар”.

Демак, Термиз ўзининг ҳарбий стратегик аҳамияти билан алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Жайхун кечувининг кулай жойида жойлашуви кўпинча урушларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Термиз ўзининг

иктисодий, маданий ривож билан алоҳида ажралиб турган шаҳар, унинг атрофида қишлоқ хўжалиги анча ривожланиб, боғдорчилик ва сабзавотчилик кенг қўламда олиб борилган.

Ўз навбатида шаҳар қўшинларни, лашкарларни боқишга ҳам алоҳида хизмат кўрсатган. Амир Темур Балх жилғасида оғир аҳволда қолганда Термиздаги бекларнинг ёрдами туфайли қуршовдан чиқиб олиб, катта ҳужумга ташланганлигини, шу жангдан кейин Амир Темур Жайхун дарёсидан Термиз кечуви орқали ўтиб, Мовароуннаҳрга қадам қўйганлигини тарихий манбалар орқали билишимиз мумкин. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: Амир Темур Термиз атрофида лашкаргоҳ қуриб ўтиради, у ўз она заминига қадам қўйиб энди эркин нафас олишга киришади. Темур ўзининг жанговар юришлари даврида жуда катта ҳарбий тажрибани эгаллаб, Термизда турган вақтида бу тажрибаларини анча мукаммаллаштириб олади. Чунки Темур ўзи амал қилган тўрт нарсадан иккитасини: яъни қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрликни ҳамда эҳтиёткорликни айнан Термиз воқеасидан кейин билиб олган бўлиши мумкин.

Академик Бўрибой Аҳмедов бу ҳақда қуйидагича ёзади: “Термиз ёнида юз берган воқеалар уни тинчитмади. Кечаю кундуз шу ҳақида ўйлади. Хўш, нега бу воқеа содир бўлди? Бунга нима сабаб? Ўзининг бир қадар бепарволигими? Ё сотқинлик содир бўлди? Буларнинг ҳар иккиси мавжуд, лекин яна биттаси бор. Ҳар кишининг сўзига ишонавермаслик, уни қайта-қайта текширувдан ўтказиш зарур”. Бу воқеадан кейин Амир Темур ўз қўшинини ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамлаб, ишончли, яқин одамларни ўз атрофида тўплаб, ҳар қандай шароитда унга панд бермаслик учун, яъни Амир Ҳусайн ва унинг Тоғука хизматкорларининг хоинлигини инобатга олиб, ягона қарорга келади. Амир Темур ўз тузуқларининг қуйидаги бўлимида, яъни “лашкарини иттифоққа келтириш учун қилган ўн иккинчи кенгашида: унга Термизга келиб қўшилиб, оғир вазиятда

ёрдам қилган кишилар масаласида қуйидаги фикрни қайд этади: “Амир Жоку, Ики Темур, Амир Сулаймон ва Амир Жалолиддинларни хилватроқ ерга чорладим ҳамда уларни ўзимга иттифоқ қилмоқчи бўлдим. Хилватда улар билан суҳбат қуриб, “давлатимга шерик бўласизлар”, дедим. Бу билан ўзларига ишонч ва менга хизмат қилишда қатъият уйғотдим”. Бу воқеа ҳаракат туфайли Амир Темур жуда катта ҳарбий сиёсий обрўга эга бўлади.

“Темур тузуқлари”да ушбу тарихий воқеа яна бир бор эслатилади: “Термиз кечуvidан нариги қирғоққа ўтгач, Қаҳалка қалъаси (Термизга яқин қадимий қалъа) тарафига қоровуллар юбордим. Жайхун бўйида бир неча кун турдим ва қоровуллар олиб келадиган хабарни сабрсизлик билан кутдим”. Бундан шу нарсая маълумки, Амир Темур сиёсий фаолиятининг мустаҳкамланишида Термиз ва Чағониён вилоятининг алоҳида ўрни бор. Амир Ҳусайнга нисбатан 1370 йили амалга оширилган ҳарбий юриш тарихда Термиз ва Чағониён вилоятлари учун ҳал қилувчи аҳамият касб этганини яхши биламиз. Амур Темур ҳамиша Термиз ва унинг атрофида бўлганида ўзининг кейинги жангида содир этиладиган ҳаракатини яна бир бор синовдан ўтказиш мақсадида қисқа муддат тўхтайдди. Баронғор билан бўлган жангларда ишончли амирлар Жоку барлос билан амир Сайфиддинни қўяди.

Амир Темур 1370 йил Термиз вилояти ҳудудига тааллуқли бўлган (ҳозирги Шеробод туманидаги Исо-Имом ат-Термизий мажмуаси жойлашган Яхтийўл қишлоғи) Биё (Буғ) қишлоғида тўхтайдди. Худди шу ерда илк бор учрашган Саййид Барака ҳамманинг кўз ўнгида сиёсий ҳокимият тимсоли ҳисобланган тожу тахт ва салтанат рамзи бўлган ноғора билан байроқни Амир Темур қўлига тутқазади. Бу Оллоҳ ва Ислон динининг Амир Темурга нисбатан берган улуғ қудрати эди. Ким ислон ғалабасини тиласа, ўша Темур учун овоз берсин! Бундай ҳайкириқлар Термиз, Чағониён, Хутталон, Балх шаҳрининг ҳар бир бурчагида янграрди. Мунажжимлар эса атрофларига одамларни тўплаб, тунги

осмонда чараклаб турган юлдузларни кўрсатиб, Темур юлдузи порлаётганига ишора қилишарди: Соҳибулқирон! Соҳибулқирон! Мунажжимлар Темурга шундай унвонни, яъни юлдузлар султони унвонини тақдим қилишади. Амир Темур Сурхондарё вилоятини Шеробод туманида Биё кишлоғидаги буюк аллома Имом Исо Ат-Термизий мақбаралари ёнида Аллоҳни қудрати билан сиёсий ҳокимиятни эгаллади.

Амир Темурнинг Термизга яқин Биё кишлоғида тўхтаб, “Темур тузуклари”да қайд этилган: “Биринчиси давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузугим Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатида дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим”, деган фикрига эътибор беришга тўғри келади. Чунки, Биё кишлоғида Амир Темур Маккаю Мукаррама саййидларининг бошлиғи Саййид Барака билан учрашиб, унинг ҳамда саййидлар, машойихлар, уламолар, фозил кишилар дуосини олиб, отасининг берган, яъни “Алардин диний, ҳуқуқий, ахлоқ масалаларини, ҳаром билан ҳалолни ажратишни ўргангин. Шунинг учун ҳам мажлисларингни шулар беабаб турсин”, деган маслаҳатида амал қилади. Амир Темур Соҳибқирон Биё кишлоғидаги маросимдан кейин бўлғуси жангга ҳозирлик кўриш мақсадида Чағониён вилоятининг маркази Чағонрудга бориб тушади. Чағониён, ибн Хурдодбекнинг таъкидлашича, дарё бўйида жойлашган. “Худуд ал-олам”да ёзилишича, унинг атрофи кенг далали, деҳқончилик қилиш, суғориш учун жуда қулай бўлиб, Абу ал-Ҳасан ибн Маҳмудга қарашли катта боғ ва қўрғон мавжуд. Чағониён аҳли ва беклари Амир Темурга сидқидилдан хизмат қилиб, катта миқдорда аскар, озиқ-овқат, от ва чорва моллари ҳамда уруш анжомлари етказиб беради. Амир Темурнинг Чағониёнда бўлган вақтида Куфтон (Гуфтан, ҳозирги Шеробод воҳаси), Барманган (баъзи манбаларда Чарманган ёки Жарминкан, ҳозирги Жарқўрғондан 4 км жануби-ғарбдаги Култепа шаҳри маркази), Хутталон, Ҳисор, Темур қопуғидаги ерларда катта миқдорда куч

тўплайди. Ана шу Оллоҳ берган куч-қудрат ҳамда Саййид Барака берган қутлуғ илоҳий дуо кучи билан ақл-заковатли машҳур саркарда Амир Темур Балхни эгаллаб, анчадан буён унга бўйсунитишни истамаётган Амир Хусайн устидан зафар ғалабасини қўлга киритади.

Темурнинг Амир Хусайнга нисбатан 1370 йили амалга оширилган ҳарбий юриш тарихда Термиз ва Чағониён вилоятлари ҳал қилувчи аҳамият касб этганини яхши биламиз. Амир Темур ҳамиша Термиз ва унинг атрофида бўлганида ўзининг кейинги жангида содир этиладиган ҳаракатини яна бир бор синовдан ўтказиш мақсадида қисқа муддат тўхтайди. Термизга яқинлашганида қоровуллар узокдан душманнинг илғор қисмини кўришади.

Иккинчидан: Сурхон воҳасини Амир Темурнинг ҳарбий ҳаракатлари учун иқтисодий таъминот манбаи бўлиб, ҳаракатдаги армия учун жами зарур озиқ-овқат, кийим, ҳарбий анжомлар, тиббий дори-дармонлар билан мунтазам таъминлаб турган.

Ана шу мақсадда Амир Темур Биё кишлоғидаги воқеалардан сўнг йўлга чиқиб, Чағонруднинг (Сурхондарёнинг) юқори ҳавзасида жойлашган *Чағоно* (ҳозирги Деновдан 8 км жанубдаги қадимги шаҳар) томон юрди. Шу ерда қўшин тўплаб, Хатлонга, у ердан эса Авбожа (ҳозирги Айваж) гузарига келди ва Жайхун дарёсидан кечиб ўтди. Йўлда унга кўплаб амир ва беклар келиб қўшилди. Чағониён, ибн Хурдодбекнинг таъкидлашича, дарё бўйида жойлашган. “Худуд ул-олам”да ёзилишича, унинг атрофи кенг далали, деҳқончилик қилиш, суғориш учун жуда қулай бўлиб, Абу ал-Ҳасан ибн Маҳмудга қарашли катта боғ ва қўрғон мавжуд. Чағониён аҳли ва беклари Амир Темурга сидқидилдан хизмат қилиб, катта миқдорда аскар, озиқ-овқат, от ва чорва моллари ҳамда уруш анжомлари етказиб беради. Амир Темур Чағониёнда бўлган вақтида Куфтон (Гуфтан, ҳозирги Шеробод воҳаси), Барманган (баъзи манбаларда Чарманган ёки Жарминкан, ҳозирги Жарқўрғондан 4 км жануби-ғарбдаги Култепа шаҳри

маркази), Хутталон, Ҳисор, Темур қопуғидаги ерлардан катта миқдорда куч тўплайди. Амир Темур чингизийлардан бўлган Суюрғатмиш ўғлонни хон деб эълон қилди ва тез орада Балхни забт этиб, амир Ҳусайнни мағлуб қилади. Амир Ҳусайн Хутталон амири Кайхусрав томонидан қатл этилади.

Балх эгаллангач, Чигатой улусининг барча беклари йиғилишади. Унда амир Шайх Муҳаммад Баён сулдуз, амир Кайхусрав Хутталоний, Ўлжойту Аперди, Муаййид Арлот, Довуд Дуғлат, Сари Буға Жалойир, Жоку барлос, Зинда Чашм Аперди, Шоҳ Муҳаммад, Бадахшон шоҳлари, Ҳусайн Баҳодир ва бошқа беклар қатори Саййид Барака, Термиз худовандзодалари – Абул Маъли ва унинг укаси Али Акбар иштирок этишади. Барчалари якдил бўлиб, Амир Темур ҳокимиятини тан олиб, унга қасамёд қилишади.

Кўп асрлар давомида Буюк Ипак йўлининг асосий йўллари чорраҳасида жойлашган ушбу шонли шаҳар цивилизациялар мулоқоти ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртасидаги дипломатия, савдо ва маданий алмашувларнинг муҳим маркази бўлган. Бу ҳақда кўплаб тарихий далиллар мавжуд. Масалан, Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур бундан олти асрдан зиёд вақт олдин айнан шу заминда туриб эркин ва хавфсиз савдони таъминлаш мақсадида Европа ҳукмдорлари билан фаол мулоқотларни йўлга қўйган.

Учинчидан: Сурхон воҳасидаги Термизий саййидларнинг маънавий қўллаб қувватлаши туфайли 1370 йилда Амир Темурнинг тахтга келиши баёнида Саид Барака билан биргаликда Термиз саидлари ака-ука худовандзодалар Абул Маъли ва Али Акбарлар тилга олинган. Айни шу йилдан бошлаб Соҳибқирон ва Термиз саидлари ўртасида яқин муносабатлар юзага келган. Ва айтиш керакки, Темур давлатида бу худовандзодалар нуфузли шахслар ҳисобланишган. Амир Темур 1399 йилнинг 29 мартида Ҳиндистон юришидан қайтиб, Жайхундан кечиб ўтади. Бу жараён Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”

асарида қуйидагича қайд қилинган: “Якшанба куни, ойнинг йигирма бирида, яъни 1399 йил 29 мартда чошгоҳда соҳибқирон кема билан Жайхун сувидан кечиб тушди. Ул тушкон ерда амирзода Улуғбек ва амирзода Иброҳим Мирзо ва ҳазри муалло Бекиси Султон ва муҳаззароти тиниқисмат ва жалолат / Сароймулхоним ва Тўкалхоним ва Туман оғо ва ўзга шахзодалар била Самарқанд акобирлари барча ўтрув келиб, муборак дийдориға мушарраф бўлиб, барча дуо қилдилар. Ва анча кумиш ва олтун сочиқлар сочтиларким, дарё йақоси тўла кумуш ва олтун бўлди. Душанба куни, яъни 1399 йил 30 март куни Термизга келиб турди. Хонзода Алоал-мулким насаби шарифи ҳазрат Рисолатқа, саллаллоху алайҳи васалламга тегарди, ул кун ҳазратқа тўй берди ва йахши пешкашлар тортди”.

1370 йилнинг ёзида Самарқанд шаҳрида ўтказилган қурултойда Мовароуннаҳрнинг барча беклари иштирок этишди. Унда фақат Шибирғон амири Зинда Чашм қатнашмайди. Кейинроқ, Зинда Чашм бир гуруҳ амирлар – амир Мусо, Абу Исҳоқ Хизр Ясовурий, худовандзода Абул Маъли Термизий ва шайх Абул Лайс Самарқандий иштирокида Амир Темурга қарши исён кўтаради. Натанзийнинг маълумот беришича, исённинг сабабчиси Термиз хонзодаси (худовандзода Абул Маъли) бўлган. У “Соҳиб уз-замоннинг пайдо бўлиш вақти яқиндир ва мамлакат мерос тариқасида унга ўтади”, деган тамаъ билан бутун оламга (қуйидагича) овоза тарқатди: “Мен тушимда ҳазрат Расул ва Муртазони кўрдим. Уларнинг рухсати билан мен муҳаммадий динни мустаҳкамлагумдир. Барча бу тадбирда менга иттифокчи бўлишлари вожибдир”. У шу мазмунда бир мактуб ёзиб, унда бир қатор режаларини айтиб, мактубни Зиндаҳашамга (матнда Зинда Чашм шундай деб ёзилган) йўллади. Зиндаҳашам Самарқандга жўнаш ниятидан воз кечиб, қўл остидаги лашкарлар билан Термиз хонзодасига бориб қўшилди ва биргаликда Термиз вилоятида босқин ва ғоратгарчиликлар қилишди.

Исёнчилар Термиз ва Балх ораллигида яшаётган аҳолини талон-торож этишади. Исённи бостириш учун Соҳибқирон Хитой баҳодир ва Арғуншоҳ Бурдалиғни жўнатади. Қўшин Термизга етиб келади. Бу ернинг аҳолиси дарё устига кўприк ўрнатган эди. Исёнчиларнинг баъзилари кечаси кўприкдан қочиб, унинг адоғини бузиб ташлашади. Эртаси куни исёнчилар Соҳибқирон қўшинини кўриб кўркувдан кўприкнинг бу томони бузилганлигини унутиб кўприк томон қочишади. Кўприкнинг бузилганини кўриб, эсанкираб қолишади. Кўпчилиги камон ўқидан ҳалок бўлишади. Баъзилари ўзини сувга ташлашади, аммо кирғоққа қадар етиб боришолмаган, юздан бири ҳам ўз жонини сақлаб қололмаган. Ғолиб чиққан баҳодирлар катта ўлжалар билан Термизга келиб тушишди ва ғалаба хабарини Соҳибқиронга маълум қилишди. Зинда Чашм Шибирғон кўрғонига яшириниб олди. Кўп ўтмай у Амир Темурга таслим бўлди. Шибирғон мулки Баён Темур ибн амир Окбукага берилади.

Исён бостирилгач, Соҳибқирон Абул Маълини жазолаб уни вақтинча ўзидан узоқлаштиради. Аммо бу узоқ вақт давом этмайди. Ҳижрий 773 (милодий 1372) сичқон йилида Соҳибқироннинг Хоразмга биринчи юриши вақтида Абул Маъли Термизий унга ҳамроҳлик қилган ҳамда Хоразм ҳукмдорини таслим бўлишида ўз хиссасини кўшган.

Ҳижрий 780 йилнинг шаввол ойи (милодий 1379 йилнинг феввали) да Соҳибқирон Хоразмга қарши тўртинчи бор юриш қилади. Бу вақтда Хоразм ҳукмдори кўнғирот сулоласидан бўлган Юсуф Сўфи эди. Хоразм забот этилиб Урганч камал қилинган пайтда Юсуф Сўфи унга нома йўллаб, аҳолини ва аскарларни беҳуда қийнамаслик ҳамда ортиқча қон тўкмаслик учун уни яккама-якка олишувга таклиф этади. Бу таклифни Соҳибқирон мамнуният билан қабул қилади. Амирларнинг қаршилигига қарамасдан, совутни кийиб хандаққа боради ва Юсуф Сўфини жангга чақиради. Аммо Юсуф Сўфи ташқарига чиқмайди. Бу билан ўзининг кўрқоқлигини

кўрсатиб қўйди.

Низомиддин Шомийнинг ёзишича, шу аснода Термиз тарафидан Соҳибқирон ҳузурига янги пишган қовун келтирилди. У: «Юсуф Сўфи гарчи ўринсиз мен билан муҳолифат қилган бўлса ҳамки, аммо орамизда қариндошлик бор бўлгани учун, биринчи қовунни усиз ейиш лойиқ эмасдур», деб қовунни бир олтин товоққа қўйиб, Юсуф Сўфига юборди. Юсуф Сўфи бунинг эвазига таъзим ва ҳурмат мақомида туриб узр сўраши ва неча ҳисса қилиб тухфа ва совғалар юбориши лозим эди. Бу билан ораларидаги ваҳшату душманлик йўқолар эди. У эса ўша қовунни сувга ташлашни буюрди ва олтин товоқни дарвозабонларга бахшида қилди. Сўнг дарвозани очиб, жангга кирди. Аммо мағлубиятга учраб, Соҳибқирон лашкари Урганччи забот этади. Бу воқеа 1379 йилнинг 13 июнида содир бўлди.

Ҳижрий 783 йилнинг муҳаррам ойи (милодий 1381 йилнинг 1 апрели) да Соҳибқирон қисқа қаршилиқдан сўнг Ҳирот шаҳрини эгаллайди. Унинг буйруғи билан шаҳарликларга моли омоний солинади ва у тўрт кун давомида йиғиб олинади. Ҳиротдаги имомлар ва олимлар раҳнамоси мавлоно Низомиддин ўғли мавлоно Қутбиддинга шаҳар ва вилоятдаги икки юз нафар ихлосманди билан бирга Шаҳрисабзга жўнаш буюрилади. Уларни кузатиб бориш учун Термиз доруғаси Темуртош масъул этиб тайинланади.

1383 йилнинг кузида Соҳибқирон катта қўшин тўплаб, Мозандаронга юриш қилади. Самарқанддан чиқиб, Термизга келди. Бу ерда дарё устига ўрнатилган кўприк устидан ўтиб нариги соҳилга ўтди ва тезда Мурғоб дарёсига етиб борди.

Амир Темур Эронни фатҳ этиб, Шерозга келган вақт (1387 йилнинг декабр ойи) да Мовароуннаҳрдан шошилич тарзда чопар келади. Унинг хабарича, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ўз қасамини бузиб, хиёнаткорона равишда Туркистонга ҳужум уюштирган. Ўша йилнинг кузида Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда қолдирилган кучлари шаҳзода Умаршайх мирзо бошчилигида Ўтрордан беш фарсах шарқда

жойлашган Чуқалақ даштида душман кучлари билан тўқнашади. Душман кўшини сон жиҳатдан ғоят катта устунликка эга эди. Жангда Амир Темурнинг саркардаси Аббос баҳодир оғир яраланади. Қолаверса, Мўғулистондан Анқо Тўра бошчилигидаги мўғул кўшини ҳам Мовароуннаҳрга ҳужум уюштиради. Иложсиз қолган Умаршайх мирзо Фарғонани ҳимоя қилиш учун жўнаб кетади. Сулаймоншоҳбек, Аббос баҳодир, Темуртош, Барот хожа, Севинч Темур ва бошқа саркардалар эса Самарқанд мудофаасини ташкил этишга киришадилар. Самарқанд атрофидаги аҳолини кўрғонга киритдилар. Темуртошни зудлик билан Термизни ҳимоя қилмоқ учун жўнатдилар. Аммо душман кучлари Мовароуннаҳрга кириб бўлган эди. Улар томонидан кўпгина шаҳар ва қишлоқлар хонавайрон қилинди, аҳолиси қирғинга учради. Тўхтамишхон кўшинлари Бухорога ҳужум қилди. Бухорода турган Тоғай Буға барлос, Оталиқ Қавчин ва Дурбой Қавчин душманни қаттиқ зарба бериб, уларни шаҳарга киритмади. Ғазабланган босқинчилар Қашқадарё ҳавзасига бостириб кириб, Амир Темурнинг болалиги ўтган Занжир Сарой қасрини ёқиб юборишади. Душман Қарши ва Ғузордан ўтиб Кўйитандан то Амударёгача бўлган барча қишлоқларни талон-торож этишади. Шу вақтда Аббос Баҳодир олган жароҳати туфайли вафот этади.

Бу хабарни эшитган Соҳибқирон 1388 йилнинг 9 феврал куни Мовароуннаҳрга қараб йўл олади. Унинг яқинлашганини эшитган душман кўшинлари Хоразм, Мўғулистон ва Дашти Қипчоққа қараб қочиб кетишади. Соҳибқирон атрофга кўшин юбориб душманни тор-мор келтиради. Сўнг, бешинчи марта Хоразмга юриш қилади. 1388 йилнинг март-апрель ойларида бўлиб ўтган юришда у Хоразмни узил-кесил забт этади. Аҳолисини эса Самарқандга кўчиришга фармон беради.

Соҳибқирон Амир Темур Хоразмга юришга чиққан вақтда унинг куёви, Хутталён ҳокими Муҳаммад Мирка (Султонбахт бегимнинг эри) исён кўтариб Самарқандга кўшин тортиб боради. Аммо уни ололмай ортига қайтиб кетади.

Қайтишда Қаҳлағадан ўтиб Термизга яқинлашади ва ўша ердаги аҳолини талай бошлади. Термиз доруғаси Темуртош Термизни ёпиб қўяди. Шаҳар кўчаларида тўсиқ ўрнатиб, душман кўшинидан бирорта ҳам одамнинг шаҳарга яқинлашишига йўл қўймайди. Шу иши билан шаҳарликларни хавфдан сақлаб қолади.

Бу орада Самарқандда турган Умаршайх мирзо кўшин тўплаб, унга юриш қилади. Мирак Хутталёнга қочиб кетади. Аммо кўп ўтмай қўлга тушади ва қатл этилади.

Ҳижрий 800 йилнинг ражаб (1398 йилнинг март-апрел) ойида, йўлбарс йилида Соҳибқирон Ҳиндистон юришига чиқади. Самарқандда Мироншоҳ мирзонинг ўғли шахзода Умарни қолдириб, Термиз кечувидан ўтади ва Ғазна йўли орқали жўнаб кетади. Ҳиндистон юришида у билан бирга Термиз саййидларидан Шамсиддин ҳам бўлган. Ғиёсиддин Али уни Термиз хонзодаси Аловуддин деб атайди. Саййид Шамсиддин Соҳибқироннинг топшириғи билан Ҳиндистондаги Қутла шахрига элчи қилиб юборилган эди. Шарафиддин Али Яздийнинг хабар беришича, ҳижрий 801 йилнинг рабиуссоний ойининг 22 санасида (1399 йилнинг 1 январ куни) Деҳли яқинидаги Ферузобод шахрида Саййид Шамсиддин ва Шайх Кокарий ноиби Аловуддин Соҳибқирон ҳузурига кириб, Қутлу шахри ноиби Баҳодир Наҳаднинг таслим бўлганлигини маълум қилишади.

Ҳижрий 801 йилнинг ражаб ойининг 21 санаси яъни 1399 йил 29 март якшанба куни Соҳибқирон чошгоҳ вақти кемада Жайхундан ўтди. Унинг кечиб ўтадиган жойида Самарқанддан набиралари мирзо Улуғбек ва мирзо Иброҳим, Мироншоҳ мирзонинг қизи Бекиса Султон, аҳли аёлларидан Сарой Мулк хоним, Тукал хоним, Туман оға ва бошқа шахзодалар ташриф буюришиб, Соҳибқиронни кутиб олдилар. Соҳибқиронни кутиб олиш вақтида унинг устидан шу қадар кўп олтин ва кумуш сочдилар-ки, бутун қирғоқ олтин ва кумуш билан қопланиб олди. Душанба куни 1399 йил 30 март душанба куни у Термизга кириб келди. Худовандзода саййид Ало ал-мулк унинг шарафига катта

тўй уюштириб, қимматбаҳо совғалар берди. Эртаси куни Соҳибқирон шаҳардан чиқди ва Жаҳоншоҳ қишлоғида тўхтади. Чоршанба куни турки Гармоб, 1399 йил 2 апрел пайшанба куни Қаҳлағадан ўтди. 28 апрел куни Соҳибқирон Самарқандга кириб келди.

Ҳиндистон юришидан қайтганига ярим йил ҳам ўтмай, Соҳибқирон етти йиллик юришга чиқади. Ҳижрий 802 йилнинг саккизинчи муҳаррами 1399 йил 10 сентябрда Соҳибқирон йўлга чиқади. Кешда Шайх Шамсиддин Кулолнинг, Термизда буюк алломалар Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизий, шайх Абу Бакр Варроқ ва бошқа улуғ шайхларнинг қабрларини зиёрат қилади. Бу ерда камбағал ва ночорларга эҳсонлар улашади. Шундан кейин Жайхундан ўтиб Эрон томон йўл олади.

1403 йилнинг кишида Амир Темурнинг Қорабоғдаги қароргоҳига пири Саййид Барака, шунингдек, Кеш, Самарқанд, Бухоро, Термиз ва бошқа жойлардан саййидлар, уламолар, имомлар, шайхлар, Термиз худовандзодалари ва бошқалар ташриф буюришади. Улар Соҳибқироннинг 1403 йилнинг баҳорида вафот этган набираси Муҳаммад Султон мирзо учун таъзия билдиришиб, ундан кўнгил сўрашади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Амир Темур дин пешволарини ёнига чорлаб турган, ул зотлар орасида Термизийлар ҳам бўлган. Шарафуддин Али Яздий Қорабоғдаги 1403-1404 йил киши воқеаларини шундай баён қилади: “Соҳибқирон Мовароуннаҳр – Кеш, Самарқанд, Бухоро, Термиз ва бошқа жойлардан мўътабар зотларни йиғди. Бу ерда Хованд зодағони Термизий, самарқандлик шайхул-ислом Хожа Абд-ал-Аввал, Хожа Исом ад-Дин, Кешдан Хожа Афзал ва кешлик шайх ул-ислом фарзандлари Абул ал-Ҳамия ва ар-Раҳмон ва мамлакатнинг бошқа вакиллари бор эди”.

Амир Темур учун қайғули дамларда ҳам унинг ёнида Термизийлар бўлгани манбаларда қайд қилинади. Жумладан, Амир Темурнинг невараси Муҳаммад Султон вафот этганида унинг ёнида:

“Мовароуннаҳр соридин Кеш ва Самарқанд ва Бухоро ва Термиз ва ўзга мавозийлардин содот ва акобир ва уламо ва машойихлари ва Термизнинг ховандзодалари Хожа Абдул Аввал ва Хожа Исомиддин ва Хожа Афзал Кашший ва Кешнинг шайхулисломининг ўғлонлари Абдул Ҳамид ва Абдур Раҳмон ва ўзга бузурғлар барча келиб аза еткурдилар. Ва насойих қилдилар ва ояту ҳадис билан ҳумоюн хотирини таскин бериб, насихат дедилар”.

Амир Темурнинг давлат тепасига келиши билан боғлиқ воқеалар кечган Термиз замини аҳли соҳибқирон вафотидан сўнг ҳам унинг салтанати меросхўрларига содиқлигича қолган. Марказлашган давлатнинг мавжудлиги, халқаро савдонинг ривожига ўз навбатида ўлкамизда Темур даврида шаҳарсозликнинг юксалишига олиб келган.

Амир Темур ва темурийлар даврига оид тарихий манбаларда янги Термиз билан бир қаторда Термиз қалъаси (кўҳна Термиз) ҳам кўп маротаба тилга олинган. Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута (1333 йил) даврида Чағонруд (Сурхондарё)нинг ўнг соҳилида шаклланган Термиз Темур даврида йирик шаҳарга айланган.

Соҳибқирон саройига Кастилия ва Леон қироли Генрих III номидан элчи бўлиб келган Руи Гонсалес де Клавихо бу шаҳарни шундай таърифлайди: “Биз келиб тушган Термид (Термиз) анча-мунча аҳоли яшайдиган каттагина шаҳар экан. Атрофи девор билан ўралмаган: бу ерда боғ-роғлар кўп, сув мўл эди. Шаҳар ҳақида мен сизга шуни айтишим мумкинки, унга кирганимиздан сўнг шу қадар кўп юрдикки, бизга ажратилган бинога етиб келганимизда батамом ҳолдан тойиб қолган эдик. Бутун йўл давомида ҳар хил нарсалар билан савдо қилинаётган гавжум майдонлар ва кўчалардан ўтдик. Термизда элчиларга катта иззат-икром кўрсатишди, ҳамма зарур нарсалар билан таъминлашди, уларга шоҳи тўнлар кийгизишди”.

Темур даврида Чағониён ўлкасининг маркази шаҳри - Чағониён ҳам ўз мавқеини сақлаб қолган. Чағониённинг яна бир маркази - Наванд ҳисобланган (Наванд -

чопар, чопарлар шаҳри). Бу шаҳар - Термиз, Чағониён ва Навандлар XV асрда ўз зарбхонасига эга бўлиб, бу зарбхоналарда Темур ва темурийлар давлати ҳудудида муомалада бўлган дирҳам (мис танга пул)лар зарб этилган. Гарчанд XV асрдан бошлаб янги шаҳар Чағонруднинг ўнг қирғоғи бўйлаб шаклланган бўлса-да, кўхна Термиз, айниқса, унинг қалъа қисми Темур ва темурийлар даврида ҳарбий истехком ҳамда савдо маркази сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Термиз қалъасининг қайта тикланиши темурий Халил Султон фармони асосида амалга оширилган. Хуросон ҳукмдори Шоҳрух Мирзонинг Анхуд ва Балх вилоятларида таъсири кучайишидан таҳликага тушган Халил Султон 1407 йилда Амударё ёқалаб жойлашган Термиз қалъасини қайта тиклаттирган. Сўнгги йилларда Термиз қалъасининг Амударё ёқасида амалга оширилган археологик қазув ишлари туфайли тарихда мавжуд бўлган бу маълумотлар тасдиқланмоқда.

Буюк жуғрофий кашфиётлар арафасида бўлган Темур даври бутун Турон замин халқаро савдосининг юксак ривожланиши кечган даврдир. Бу савдода Жайхун Амударёдаги Термиз кечуви билан бир қаторда Шўроб қишлоғида жойлашган Ёргоҳ кечуви ҳам муҳим ўрин тутган. XV аср тарихчиси Ҳофиз Абрунинг таъкидлашича, Термиз билан ёнма-ён жойлашган бу кечув унинг билан савдода рақобат ҳам қила олган.

Кичик Ҳиндистон (Ғарбий Европа адабиётида Кичик Ҳиндистон ва Эрон оралиғидаги ҳудудлар, яъни Афғонистон,

Белужистон ва Мекрон назарда тутилган)дан Самарқанд сари йўл олган карвонлар Термиз ва Ёргоҳ кечувларидан ўтиб, “Темир дарвоза” томон юрганлар. Амир Темур ва темурийзодалар “Термиз дарвозаси” деб ном олган Чак-Чак довони яқинидаги “Темир дарвоза”нинг назоратини муттасил таъминлаб турганлар.

1404 йилнинг август ойида «Темир дарвоза» орқали Самарқандга йўл олган испаниялик элчи де Клавихо сафар хотиралари кундалигида шундай ёзади: «Эртаси куни душанбада элчилар гуруҳи баланд тоғнинг этагида дам олдилар. Бу баланд тоғнинг чўққисида хилма-хил нақш ва турли-туман безакларга безалиб жуда моҳирона бунёд этилган салбсимон бино жойлашган. Бу тоғ жуда баланд, унда инсон кўли билан яратилгандек йўлак бор, бу йўлак – дара орқали уни кесиб ўтиш мумкин. Ҳар тарафдан сип-силлиқ ва баҳайбат тоғ чўққилари бўй чўзган. Бу йўлакнинг ўртасида қишлоқ жойлашган бўлиб, унинг тепасида қоялар муаллақ тургандек. Бу йўл тоғларда «Темир дарвоза» деб аталади, бу ерларда бундан бошқа йўл йўқ. Бу дарвоза Самарқанд подшолигини Кичик Ҳиндистондан кўриқлайди.

Самарқанд ерларига айна шу дарвоза орқали кириб борилган, шунингдек, Самарқанд империяси аҳли ҳам Ҳиндистонга бошқа жойдан эмас, худди шу йўл орқали ўтиб боришади.

“Темир дарвоза”нинг эгаси Темурбек ҳисобланади. Бу дарвоза унга йил мобайнида жуда катта фойда келтиради. Самарқандга ва ундан шимолдаги ерларга Кичик Ҳиндистондан келган карвонлар ана шу дарвозадан ўтади”.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Аҳмедов А. Сўзбоши // Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: Шарқ, 1997.
2. Ўринбоев А. Низомиддин Шомий ва унинг “Зафарнома” асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
3. Ибн Арабшоҳ. Соҳибқирон Амир Темур тарихи. – Тошкент: Info Kapital BOOKS, 2024.

4. Ҳофиз Абрў. Султонга бағишланган тарихлар йиғиндиси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
5. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн / А. Ўринбоев таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1960.
6. Ғиёсиддин Али. Темурнинг Ҳиндистонга юриши кундалиги. – Тошкент: Фан, 1967.
7. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
8. Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Тошкент: Фан, 1968.
9. Темур тузуклари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.
10. Амир Темур ўғитлари. – Тошкент: Наврўз, 1992.
11. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома // «Шарқ юлдузи» журнали. – 1992-1993 йил сонлари.
12. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). – Тошкент: Меҳнат, 1992.
13. Иванин М. Икки буюк саркарда (Чингизхон ва Амир Темур). – Тошкент: Шарқ, 1994.
14. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
15. Аҳмедов Б. Амир Темур. – Тошкент: Ёзувчи, 1995.
16. Абдулла Орипов. Соҳибқирон. – Тошкент: Шарқ, 1996; Соҳибқирон набираси ёхуд митти юлдуз қиссаси. – Тошкент: Маънавият, 1995.
17. Хуршид Даврон. Самарқанд хаёли: Тарихий ва маърифий бадилар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1991.
18. Березиков Е.Е. Буюк Темур. – Тошкент: Фан, 1935 (1995).
19. Череванский В. Амир Темур. Болалиги. Жанговар йўли. Вафоти: Тарихий роман. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1993.
20. Хилда Ҳукҳем. Етти иқлим ҳукмдори. – Тошкент: Адолат, 1995.